

# ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА БОШҚАРИШ – ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚАВА ТИЗИМИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ



*Маълумки, муайян бир мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишнинг асосий ички манбалари, энг аввало, давлат ва шу юртда фаолият юритаётган хусусий бизнес субъектлари ҳисобланади.*

ларда ДХШнинг турли шакллари ривожланиши, уларнинг иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг тарқалиши давлат ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлик шаклини замонавий аралаш иқтисодиётнинг муҳим белгиси сифатида талқин қилишни тақозо этади. Жумладан, Францияда ДХШ лойиҳалари энергия тежашда ва энергия самарадорлигида, иссиқлик таъминоти тизимида, кўча ёриткич ва бошқа коммунал инфратузилма соҳаларида амалга оширилмоқда. Германияда ДХШ лойиҳалари ижтимоий соҳада, ҳудудий темир йўл қатновлари, автомобиль йўллари, сув таъминоти, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ва оқава сувларни тозалашда, пенитенциар тизимида фаол қўлланилади. Япония ва Корея Республикаси пойтахтларида эса, хусусий акционер жамиятлар маблағлари ҳисобидан метрополитеннинг ярмидан кўп линияси қурилган. Шунингдек, ДХШ ҳақидаги қонун Россия, Белорусь, Украина, Молдавия, Қозоғистон ва Тожикистонда қабул қилинган.

Чет эл тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, бир қатор мамлакатларда ДХШ қўллаш давлат бошқаруви ва хусусий сектор билан бўлган ҳамкорлик натижасида ижтимоий муҳим муаммолар ҳал қилинишида молиявий ҳарajatлар камайтирилишига, давлат мулкани самарали бошқариш усулларининг ўсишига, янги иш жойлари яратилишига олиб келган.

Айтиш жоизки, 2019 йил 10 майда Ўзбекистон Республикасининг Давлат-хусусий шериклик тўғрисида Қонуни қабул қилинди.

Республика Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида сув таъминоти ва канализация соҳасидаги хизматлар сифатини, тармоқ корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, авваламбор, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш асосида ишончли молиялаштириш белгиланган.

Уй-жой коммунал хизматлар соҳасида нодавлат секторини янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳада давлат-хусусий шериклик учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ва бошқа истеъмолчиларга тоза ичимлик сувини етказиб бериш ҳамда оқава сув хизматларидан фойдаланиш бўйича функциясини ишончли давлат-хусусий шерикликка ўтказиш, қишлоқ жойларда янги бошқарув усулларини ишлаб чиқиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларга қараганда, ҳозирда Осиё қитъасида 300 миллион аҳоли истеъмолга яроқсиз ичимлик суви ичишга мажбур. Мазкур муаммо

**Ш**у боис, дунё таҳлилчиларининг эътирофларига кўра, давлат билан хусусий бизнеснинг хўжалик юритиш борасидаги ҳамкорлиги – бу кенг доирадаги фаолият соҳаларида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш ва уни амалга ошириш мақсадида шаклландиган институционал ва ташкилий иттифоқдир. Бундай ҳамкорликдаги фаолият асосини давлат мулки бўлган объектларни, давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларни хусусий сектор инвестицияси иштирокида молиялаштириш ташкил этади. Мазкур ҳамкорлик ёрдамида давлат мулкидаги объектлар фаолиятини молиялаштиришга хусусий сектор инвестицияларини жалб қилиш вазифаси ҳал этилади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ДХШ, яъни давлат-хусусий шерикчилик иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Турли мамлакат-

бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмайди. Бугунги кунда республикамиз бўйлаб глобал муаммога айланиб бораётган, ичимлик суви ва оқава соҳасини тубдан янгилаш ва такомиллаштириш мақсадида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ичимлик суви ва оқава соҳасини давлат-хусусий шериклик йўналишида бошқариш учун дунёнинг нуфузли молиявий ташкилотлари ва Осиё тараққиёт банки, Жаҳон



банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро Молия Фонди каби йирик молия институтлари билан музокаралар олиб бормоқда.

Шу ўринда Жаҳон банки экспертлари фикрларига таяниб қайд этиш жоизки, давлат-хусусий шерикчилик механизми қўллаш шартнома даврида аҳолига хизмат кўрсатишдаги сифат ва нарх мутаносиблигини, том маънода, таъминлаган ва бундай амалиёт халқаро тажрибада кўп бора синалган.

Бугунги кунда Осиёнинг ривожланган давлатларида сув таъминоти, маиший чиқиндиларни бошқариш, сувоқава тизимлари давлат-хусусий шериклик тамойили асосида тараққий этмоқда. Хусусий тармоқларда фаолият юритувчи операторлар бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилар ишончини оқлаш учун улар эҳтиёжини ўз вақтида ўрганиб,

талаб ва таклиф асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйган.

Вазирликнинг 2019 йил 7 февралдаги 51-сонли буйруғининг 2-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ва вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари бошлиқлари сув таъминоти ва канализация корхоналарида ходимларнинг белгилаб қўйилган чекланган умумий сони доирасида давлат-хусусий шериклик бўлими очилишини ва иккита штат бирлигидан кам бўлмаган мутахассисларнинг жалб этилишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Ҳозирда ушбу буйруқнинг ижроси тўлиқ таъминланди, яъни давлат-хусусий шериклик бўлими ташкил этилди. Бўлим мутахассисларни жалб этган ҳолда жорий йилнинг 25–26 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Дав-

лат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги маъсул ходимлари иштирокида ўқув машғулот-семинари ўтказилди. Самарқанд, Бухоро, Наманган ва Қарши шаҳарларида сув таъминоти ҳамда канализация тизимларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш бўйича Осиё Тараққиёт Банки консультант хизматларининг шартнома Меморандуми лойиҳаси, Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш бошқармаси билан биргаликда ишлаб чиқилди.

Швейцария Конфедерацияси Ҳукуматининг грантлари иштирокида амалга оширилган тажриба лойиҳалари асосида сув таъминоти ва канализация объектларини бошқариш ҳамда улардан фойдаланишнинг тажрибадан ўтказилган шакллари бошқа қишлоқ аҳоли пунктларида татбиқ этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйлаб бугунги кунда 87 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бошқарувга бериш ишлари бошланди.

Биргаликдаги ишлар келгусида ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

**Норбой ТАЙМАКОВ,  
Тариф сиёсатини бошқариш  
ва уй-жой фондини  
ривожлантириш  
бошқармаси таркибида Сув  
таъминоти ва канализация  
тармоғида давлат-  
хусусий шерикликни  
ривожлантириш шўъбаси  
мудир.**